

Гафурова Д.А.

Ўзбекистон Миллий университети катта илмий
ходим-изланувчиси

ҲУДУДИЙ-УРБАНИСТИК ТАРКИБ РЕСУРС САЛОҲИЯТИДАН ФОЙДАЛАНИШ КЎЗГУСИ

Марказий Осиёнинг қоқ ўртасида жойлашган Ўзбекистон кейинги йилларда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги қатор муваффақиятлари билан кўпларни ўзига жалб қилмоқда. Республика иқтисодиётининг айрим тармоқлари бўйича эришилган ютуқлар яна ҳам салмоқли бўлмоқда. Бунда – яқин-яқинда собиқ иттифоқнинг хом ашё базаси, доимо дотацияга муҳтож ҳисобланган Ўзбекистон ҳақида сўз юритилмоқда. Умадаврларда улкан ер ости ва ер усти бойликларига эга бўла туриб, машина ва бошқа буюмлар у ёқда турсин, оддий кийим-кечак ва озиқ-овқат ҳам четдан олиб келинган. Қуйида Ўзбекистоннинг бугунги иқтисодий мавқеи тўғрисида сўз юритилади.

Бугунги кунда мамлакат ижтимоий-иқтисодий соҳасининг барча жабҳаларида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ўринда шаҳар аҳоли пунктлари, шаҳар аҳолиси, урбанизация жараёни билан алоқадор масалалар ҳам четда қолмаяпти. Ўзбекистон тарихдан шаҳарларга бой ўлка бўлса ҳам, қатъий иқтисодий ихтисослашув ва марказдан бошқариш тизимининг ҳукмронлиги замонавий, кўп функцияли шаҳарларнинг вужудга келиши ва тараққий этишини тўхтатиб турди. Барпо қилинган шаҳарларнинг аксарияти эса бир томонлама тармоқ таркибига (монофункцияли) эга ресурс шаҳарлардан ёки агрошаҳарлардан, ёхуд маҳаллий аҳамиятга эга бир-икки корхонаси мавжуд истиқболи номаълум шаҳарлардан иборат бўлган.

Авалдан қолган улкан ва йирик корхоналар туфайли вужудга келган айрим шаҳарлар, уларда мавжуд корхоналарнинг ҳозирги кунда ишлаб чиқариш алоқалари барҳам топганлиги туфайли, инқироз ҳолатига тушиб қолди ва фаолиятини тўхтатди. Бу эса шаҳар ижтимоий-иқтисодий тараққиётида ўзининг аксини топмоқда. Тўғри, айрим йирик ва катта шаҳарларда бундай ҳодисалар кучли лар-

заларга олиб келса ҳам, шаҳар фаолиятини, унинг тараққиёти йўлини тўхтата олмайди.

Охирги йилларда диверсификациялаш жараёни орқали бошқа бозорбоп тармоқлар ва корхоналарни барпо этиш, маҳаллийлаштириш дастурлари кабилардан моҳирона фойдаланиш қўл келди. Майдони 448,97 минг квадрат километрга тенг Ўзбекистон ушбу кўрсаткич бўйича дунёда мавжуд мамлакатлар ичида 37 ўринни эгаллайди. Ҳозирда аҳоли сони 30 млн киши бўлган мамлакатимиз бу кўрсаткич бўйича дунё мамлакатлари орасида 43 ўринни, аҳолининг зичлиги бўйича эса 116 ўринни эгалламоқда. Ҳозирда Ўзбекистон дунё мамлакатлари ичида иқтисодий ривожланганлик даражасига кўра 68 ўринни эгаллаб турибди. Бу ўзбек халқи, ўзбек давлати учун жуда катта воқеадир¹.

Ўзбекистон индустриал-аграр мамлакат бўлиб, саноат соҳаси тармоқларида 2012 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 54,2 фоизи, қишлоқ хўжалигида 25,2 фоизи ишлаб чиқарилди. Энг

¹ Халқаро валюта фонди (МВФ) маълумотларига кўра, Ўзбекистон 2012 йилда Ялпи ички маҳсулот бўйича дунё мамлакатлари ичида 68-ўринни эгаллади (Список МВФ по ВВП (ППС).

муҳими, Ўзбекистон саноатнинг замонавий мультипликатив таркибига эгаллиги билан Марказий Осиёдаги бошқа давлатлардан устун туради. Бунда автомобилсозлик саноати алоҳида мавқега эгаллигини таъкидлаб ўтиш зарур.

Шаҳарлар тармоғини ривожлантириш, уларнинг функционал таркибини такомиллаштириш, кичик ва ўрта шаҳарларнинг саноатлашишини кучайтириш каби масалалар Ўзбекистоннинг кун тартибида турган долзарб муаммолар қаторига киради. Аҳоли сонига нисбатан паст суръатларда бўлса ҳам ўсиш хос бўлган, сув ресурслари етишмаётган ва камаётган шароитда купайиб бораётган меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш муаммосини асосан шаҳарлар, шаҳар аҳоли пунктлари орқали ҳал этиш мумкин. Бундай шароитда шаҳарлар тараққиётига урбанизация жараёнини илдамлаштириш масалаларига урғу бериш ҳаётий масаладир.

Боз устига¹, Марказий Осиёда сув ресурсларини тақсимлашда вужудга келган мураккаб вазият ҳам шунини тақозо этмоқда. Чунки аҳолисининг деярли ярми қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалигида суғорма деҳқончилик етакчилик қилади. Қишлоқ аҳолисининг асосий қисми ҳам суғорма деҳқончилик кенг ривожланган Фарғона ва Зарафшон водийлари, Тошкент, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё воҳаларида, Қорақалпоғистон ва Мирзачўлда компакт ҳолда жойлашган. Сув ресурсларининг етишмаслиги бундай ҳолатга салбий таъсир этиши ва кутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин. Қишлоқ жойларида аҳоли зичлигини умумий ва реал ҳолатларда минтақалар доирасида ҳисоблаш ва баҳолаш мавжуд вазиятнинг нақадар мураккаб тусга эгаллигидан далолат беради. Бу ўринда Фарғона ва Тошкент минтақалари реал аҳоли зичлиги кўрсаткичлари аҳолиси жуда зич жойлашган мамлакатлар (Бангладеш, Ҳиндистон, Индонезия ва бошқа)даги ҳолатга яқинлашиб қолганлиги, баъзи уларга хос кўрсаткичлар бўйича улардан ҳам ўтиб кетганлигини таъкидлаш лозим.

¹ Ўрта Осиё табиий географияси, Ўзбекистон табиий географияси. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълим мактабларининг 7-синфи учун дарслик. Учинчи нашри. – Т.: "Ўқитувчи" НМИУ, 2009. 97–98-б.

Дарвоқе, Андижон вилоятининг Асака туманида аҳоли зичлиги 1000 киши/км² дан ортиқ, бошқа қатор туманларда эса шунга яқин кўрсаткич кузатилади. Баъзи мутахассислар мазкур кўрсаткичларнинг Бангладеш ва шу каби мамлакатлар кўрсаткичларига ҳали етмаганлигини айтишлари мумкин. Тўғри, аҳоли зичлиги Ўзбекистонда уларга нисбатан биров паст, лекин Бангладеш, Индонезия каби мамлакатларда бир йилда 2–3 марта, ҳатто 4 марта ҳосил йиғиб олинади. Шунинг учун ҳам улардаги шарт-шароитларни ер-сув ресурслари қатъий чекланган Ўзбекистондаги шарт-шароитлар билан таққослаб бўлмайди. Қисқача қилиб айтганда, Ўзбекистон қишлоқ жойларидаги вазият республикада юзага келаётган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни даставвал шаҳар аҳоли пунктлари, биринчи галда катта ва йирик шаҳарлар орқали ижобий ҳал этиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда шаҳар аҳолисининг сонига кўра, Фарғона минтақасининг Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятлари етакчилик қилади. Умуман олганда, Фарғона ва Тошкент минтақаларига республика жами шаҳар аҳолисининг 56,2 фоизи тўғри келади. Мазкур минтақаларнинг мавқелари шаҳар аҳоли пунктлари ва шаҳарлар сонига биноан ҳам жуда юқоридир. Уларнинг ҳиссасига жами шаҳар аҳоли пунктларининг 45,3 фоизи, шаҳарларнинг 37,8 фоизи, соф шаҳар аҳолисининг эса 59 фоизи тўғри келади. Шаҳар аҳоли пунктлари ва шаҳарлар ҳамда шаҳар аҳолисининг мана шундай ҳудудий концентрациялашуви улар жойлашган минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг нисбатан юқори даражасига эришганлиги, авваламбор, саноатнинг яхши ривожланганлиги билан белгиланади.

Шундай қилиб, модернизациялаш ва ислохотларни чуқурлаштириш шароитида иқтисодийнинг барқарор ривожланишини таъминлаш кўп жиҳатдан мамлакатнинг урбанистик салоҳиятидан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ. Бунда иқтисодий салоҳиятнинг катта қисми тўпланган "ривожланиш қутблари", катта ва йирик шаҳарлар жуда муҳим, хал қилувчи аҳамият касб этади. Иқтисодий тараққиётда эришган улкан муваффақиятлари билан жаҳонни лол қолдирган Япония, Корея Республикаси, Тай-

ван каби мамлакатлар ислохотларнинг дастлабки босқичида асосий эътиборни катта ва йирик шаҳарлардаги саноатнинг бир-икки мультипликатив тармоғини ривожлантиришга қаратган. Бу йўналишда эришган ютуқлар бошқа нисбатан қолоқ тармоқларнинг ривожланишига туртки бўлганлигини мазкур мамлакатларнинг тажрибалари кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси дунёдаги бошқа қатор мамлакатлар каби денгиз ва океанларга бевосита чиқиш йўлига, улкан шаҳарлар ва улар асосида ташкил этилган қатор махсус (очик) иқтисодий зоналарга эга бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда нисбатан ривожланган шаҳарлар ва шаҳарчалар тизимида эга.

Шаҳар аҳоли пунктлари тизими мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этиб келмоқда. Шаҳарлар, айниқса катта ва йирик шаҳарларнинг аксарият қисми ўзларининг ҳам, улар жойлашган ҳудудларнинг ҳам иқтисодий ривожланишини таъминлаш учун қулай географик ўрин ва уларга мос бўлган иқтисодий салоҳиятларга эга. Таъкидлаш жоизки, катта ва йирик шаҳарларга бой минтақаларда индустриал тармоқлар ҳам нисбатан яхши ривожланган бўлади.

Республика минтақаларида майдонининг катталиги билан аҳолиси сонининг ўртасидаги алоқадорлик жуда паст. Бу ҳолат аҳолининг реал¹ шаклда, асосан сув ресурслари мавжуд ва суғоришга асосланган деҳқончилик ривожланган ҳудудларда жойлашганлигидан далолат беради. Шундай ҳудудлар қаторига Фарғона ва Зарафшон водийлари, Тошкент, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм воҳалари ҳамда сунъий суғориш тизимларига нисбатан бой Мирзачўл ва Қарши дашти киради.

Ўзбекистон минтақаларини майдонининг катталиги бўйича учта гуруҳга тақсимлаш мумкин:

- катта майдонларга эга минтақалар: Қуйи Амударё ва Зарафшон;
- ўртача майдонларга эга минтақалар: Жанубий ва Мирзачўл;
- кичик майдонларга эга минтақалар: Тошкент ва Фарғона.

Мазкур минтақалар аҳоли зичлиги бўйича ҳам бир-бирдан кескин фарқ қилади. Фарғона ва Тошкент минтақалари аҳоли зичлигининг ниҳоятда юқори кўрсаткичлари билан ажралиб туради. Ундан кейинги ўринларда жойлашган минтақаларда зичлик кўрсаткичи республика бўйича ўртача кўрсаткичга яқин. Қолган Қуйи Амударё ва Зарафшон минтақалари бу кўрсаткичнинг анча паст даражаларига эгаллиги билан ажралиб туради. Ушбу ҳолатни мазкур минтақаларда майдони жуда катта Устюрт платоси ва Қизилқум чўлининг катта қисмлари жойлашганлиги ҳамда яйлов чорвачилигинининг кенг тарқалганлиги билан тушунтириш мумкин. Таъкидлаш жоизки, айнан аҳоли зичлиги энг катта бўлган минтақалар шаҳар аҳолисининг мутлақ ва нисбий кўрсаткичларининг юқорилиги билан ҳам ажралиб туради. Шаҳар аҳолисининг улуши Тошкент минтақасида 72,9 фоизни, Фарғона минтақасида эса 57,8 фоизни ташкил этади. Қолган минтақаларда ушбу кўрсаткич 40–45 фоиз орасида ўзгариб туради.

Маълумки, урбанизациянинг ҳаққоний даражаси шаҳар аҳоли пунктлари тармоғида катта ва йирик шаҳарларнинг сони ва салмоғи билан белгиланади. Айнан ана шундай ёндашув урбанистик вазиятни тўғри баҳолашга имкон беради. Ўзбекистонда мавжуд шаҳарларнинг умумий сони 119 га тенг. Уларнинг аксарият қисми Фарғона ва Тошкент минтақаларига, энг кам қисми эса Мирзачўл минтақасига тўғри келади. Айни пайтда, Тошкент минтақасида мавжуд шаҳарларнинг 17 таси ёки 14,3 фоизи жойлашган. Бир қараганда, пойтахт минтақасига хос кўрсаткичлар унчалик катта эмасдек туюлади. Аслида “урбанизация” жараёнида сон эмас, сифат, яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда, “шаҳар турмуш тарзини” элтувчи катта ва йирик шаҳарларнинг мавжудлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бундай шаҳарларга эса Тошкент ва Фарғона минтақалари бирмунча бой ҳисобланади. Ушбу фикрни соф шаҳарлар аҳолисининг сони ва улуши ҳам тасдиқлайди. Соф шаҳарлар аҳолисининг улуши Тошкент минтақасида 33,8 фоизга, Фарғона минтақасида эса 24,4 фоизга тенг. Шаҳарларнинг атиги 25,3 фоизи мавжуд мазкур минтақаларга республиканинг соф шаҳарлари аҳолисининг 58,2 фоизи тўғри келади.

¹ “Реал” сўзини синоними сифатида “амалда” сўзи билан алмаштириш мумкин. Ушбу сўзни ишлатишдан мақсад, республикада аҳоли асосан яшаш учун қулай бўлган ҳудудларда жойлашганлигини кўрсатишдан иборат.

Ўзбекистонда аҳолиснинг сони 100 минг кишидан зиёд 11 та катта шаҳар, аҳолиснинг сони 250 мингдан 500 минг кишигача етадиган 4 та жуда катта шаҳар, аҳолиснинг сони 500 мингдан 1 млн кишигача бўлган 1 та йирик шаҳар (Самарқанд) ва аҳолиснинг сони 1 млн кишидан ортиқ жуда йирик шаҳар – Тошкент шаҳри мавжуд. Шундай қилиб, катта ва йирик шаҳарларнинг умумий сони 17 тага тенг бўлиб, уларда 6135,4 минг киши ёки жами шаҳар аҳолиснинг 40,5 фоизи ёхуд фақат соф шаҳарлар аҳолиснинг 61,9 фоизи истиқомат қилади.

Катта ва йирик шаҳарлар аҳолиси республика минтақалари бўйича қуйидагича тақсимланган: “урбанизация элтувчи” шаҳарлар сонининг 23,5 фоизи ва уларда мавжуд аҳолининг 44,7 фоизи Тошкент минтақасида тўпланган. Ушбу кўрсаткич Фарғона минтақасида, мос равишда, 29,4 ва 25,2 фоизга, Зарафшон минтақасида 16,5 ва 14,4 фоизга тенг. Қолган минтақалардаги катта ва йирик шаҳарлар аҳолисига хос кўрсаткичлар 2,6 фоиздан 6,9 фоизгача оралиқда ўзгаради, холос. Тошкент минтақасида жами катта ва йирик шаҳарларга ўртача 685,5 минг киши (Тошкент шаҳрини ҳисобга олмаганда 144,3 минг киши), Фарғона минтақасида 309,0 минг киши, Зарафшон минтақасида 294,0 минг киши, қолган минтақаларга эса анча паст кўрсаткичлар тўғри келади. Таъкидлаш жоизки, йирик шаҳарлар қаторига 2012 йилда Самарқанд ҳам ўтди, Шу вақтнинг ўзида Фарғона шаҳри катта шаҳар тоифасидан “жуда катта шаҳар” тоифасига кўтарилди.

Ўзбекистонда 1.01.2012 йилга нисбатан 20 та ўрта шаҳар (аҳолиснинг сони 50–100 минг киши) ва 82 та кичик шаҳар (аҳолиснинг сони 50 минг кишигача) мавжуд. Уларда жами 1334,5 минг киши истиқомат қилади.

Ўрта шаҳарларнинг катта қисми Тошкент (3 та), Фарғона (5 та), Қуйи Амударё (4та) ва Зарафшон (4та) минтақаларида ва атиги биттаси Мирзачўл минтақасида жойлашган. Ўрта шаҳарлар ичида анча вақтдан бери мавжуд Хўжайли, Асака, Шаҳрихон, Шаҳрисабз, Косон, Денов, Гулистон, Бекобод, Хива кабилар билан бир қаторда, куни-кеча мазкур гуруҳга ўтган Косонсой ва Чортоқ (Наманган вилояти) шаҳарлари ҳам ривожланиб бормоқда. Ушбу

шаҳарларда ўртача аҳоли сони 66,2 минг кишини ташкил этади.

Ўрта шаҳарларнинг катта қисми туман ташкил этувчи марказлар сифатида пайдо бўлган ва ривожланган (Беруний, Шаҳрихон, Косон, Каттақўрғон, Денов, Паркент ва бошқалар). Қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишловчи саноат яхши ривожланган шаҳарлар қаторига Тўрткўл, Хўжайли, Шаҳрисабз, Косонсой, Ургут, Янгийўл каби шаҳарларни киритиш мумкин. Рекреация ва туризм, соғлиқни сақлаш соҳаси яхши ривожланган, шаҳар ҳосил қилувчи функцияларга эга шаҳарлар қаторига Хива ва Чортоқ, транспорт тугуни сифатида муҳим роль ўйнаётган шаҳарлар қаторига Когон ва бошқа шаҳарларни қўшиш мумкин.

Республикамиз кичик (аҳолиснинг сони 50 минг кишигача бўлган) шаҳарларга бой ҳисобланади. Шундай 82 та шаҳарда жами 1905,9 минг киши яшайди, кичик шаҳарларда ўртача аҳоли сони 23,2 минг кишига тенг. Мазкур шаҳарлар сони минтақалар бўйича бирмунча текис тақсимланган. Бундай шаҳарлари энг кўп бўлган Зарафшон (21 та) ва Фарғона (17 та) минтақалари билан бир қаторда, улар нисбатан кам бўлган Қуйи Амударё (9 та) минтақаси ажралиб туради. Ушбу шаҳарлар ичида тоғ-кон саноати (Газли, Учқудуқ, Нуробод, Шаргун ва бошқалар), агросаноат (Даштобод, Гагарин, Пахтакор, Оққўрғон, Пскент ва бошқалар), электроэнергетика (Ғазалкент, Ширин, Тахиатощ, Учқўрғон, Хонобод ва бошқалар) марказлари сифатида вужудга келган шаҳарлар муҳим ўрин эгаллайди.

Шаҳарлар, айниқса, катта ва йирик шаҳарлар тармоғи индустриаллаштириш жараёни ва даражаси билан узвий боғланган. Саноат ривожланиш даражаси (саноат маҳсулоти ҳажми) бўйича республикада Тошкент (2010 йилда жами саноат маҳсулотининг 30,5 фоизи), Фарғона (24,6 фоизи) ва Зарафшон (21,6 фоизи) минтақалари етакчилик қилади. Урта минтақанинг саноат маҳсулотигаги ҳиссаси 76,7 фоизни, катта ва йирик шаҳарлар аҳоли сонигаги ҳиссаси 71,8 фоизни ташкил этади. Бундай алоқадорлик юқорида келтирилган фикрларни тасдиқлайди.

Ўзбекистонда кейинги йилларда урбанизация жараёни суръатларини жадаллаштириш ва унинг даражасини республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши дара-

жасига мувофиқлаштириш масаласига устувор аҳамият берилиб келинмоқда. Шу нуқтаи назардан, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштиришнинг қўшимча чоралари тўғрисида”ги 68-сонли Қарори муҳим қадам бўлди. Унга биноан, Ўзбекистон Республикасида мавжуд 114 та шаҳарчаларнинг сони қўшимча 965 тага кўпайтирилди ва 1079 га етказилди. Шаҳар аҳолисининг сони 2008 йилда 9,7 млн кишидан 2009 йилга келиб, 14,2 млн кишини, улуши эса 35,8 фоиздан 51,6 фоизни ташкил этди. Ундан ташқари, шаҳарлар тизимида ҳам салмоқли ўзгаришлар юз берди. Жуда йирик шаҳар (Тошкент) билан жуда катта шаҳар ўртасидаги “бўшлиқ” “йирик шаҳар” мақомини олган Самарқанд шаҳри билан тўлдирилди. Шунингдек, Қуйи Амударё минтақасидаги хилма-хил ва бой минерал ресурсларни, даставвал, табиий газ ва нефть конларни ўзлаштириш ва ишга туширишда муҳим таянч аҳоли пункти ролини бажараётган Нукус шаҳри “жуда катта шаҳар” тоифасига ўтди. Бугунги ва эртанги кун масаласи шаҳарларнинг функционал таркибини такомиллаштириш, унда, авваламбор, индустриал тармоқлар салмоғини кўтариш билан боғланган. Шаҳарларнинг индустрлаштириш даражасини замон талабларига мутаносиб ҳолатга келтирмасдан, улардан урбанизацияни элтувчи деган вазифани бажаришни талаб қилиш мумкин эмас.

Ўзбекистонда шаҳарлар сони билан шаҳарчалар сони ўртасида ўзига хос номутаносиблик вужудга келган. Республикада 1 та

шаҳарга 9,1 та шаҳарча тўғри келмоқда. Мазкур кўрсаткич Фарғона минтақасида 14,6 га, Зарафшон минтақасида 11,8 га тенг. Кўпчилик шаҳарчалар шаҳарлар, айниқса, катта ва йирик шаҳарлар таъсири доирасидан анча йироқда жойлашган. Мана шундай номутаносибликлар майдони, айниқса, катта минтақаларда яққол кўзга ташланади. Ушбу ва бошқа шунга ўхшаш камчиликларни даставвал кичик ва ўрта шаҳарлар функционал таркибларини саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаси аҳамиятини кўтариш йўли орқали ижобий ҳал этиш мумкин. Бунда минтақавий сиёсат билан бир навбатда инвестиция сиёсатида ҳам зарурий ўзгаришларни амалга ошириш лозим. Худди шундай йўлни туман ҳосил қилувчи функцияларга эга, саноати бирмунча ривожланган шаҳарчаларга ҳам қўлласа бўлади. Фақат ана шундай ёндашув воситасида жуда катта сонли шаҳарчалар тизимида ижобий рақобат муҳитини юзага келтириш ва уларни индустрлаштириш ҳамда урбанизациялаштириш йўлига жалб қилиш мумкин. Акс ҳолда, шаҳарлар билан шаҳарчалар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқ яна ҳам ортиб, чуқурлашиб бораверади. Ривожланиш имконияти ва истиқболга эга шаҳарчаларга шаҳар категориясига ўтиш учун инвестиция соҳасида кўмак бериш бугунги куннинг энг муҳим шартларидан биридир. Шаҳарчаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни бугунги куннинг асосий вазифасига айлантириш мақсадга мувофиқдир.

Адабиёт:

1. Ата-Мирзаев О.Б. Народонаселение Узбекистана. История и современность. – Т.: “Ижтимоий фикр”. 2009.
2. Ата-Мирзаев О., Тухлиев Н. Узбекистан: природа, население экономика. – Т.: “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi”, 2009. – 240-б.
3. Проблемы современной урбанизации. – М.: “Статистика”, 1972.
4. Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики. Сборник. Под общей ред. д.э.н. А.М. Садыкова. – Т.: Издательский дом “Baktria Press”, 2012. –352 с.
5. Урбанизация мира. Вопросы географии 96. – М.: “Мысль”, 1974.
6. Урбанизация: вызовы и перспективы // «Экономическое обозрение», №10 (109), 2009 г. –С. 20–25.